

09.09.2019й.
№ 01-13/6

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Ўзархив” агентлиги
Бош директори
Ҳафизов У. Юсупов
«09» 09 2019 й.

“Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида билдирилган
топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Маърузадан келиб чиқадиган вазифалар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
1.	“...Ватанпарварлик, фидойиллик, садоқат...-энг олий бурчимиз!...”	1. “...Ватанпарварлик, фидойиллик, садоқат...-энг олий бурчимиз!...” устувор тамойили мазмун-моҳиятини барча архивлар раҳбарлари ва ходимлари эътиборига етказиш бўйича чора- тадбирларни амалга ошириш. 2. Барча архивлар раҳбарлари ва ходимларининг кундалик иш фаолиятини ушбу устувор тамойилга асосан ташкил этиш чораларини кўриш.	2019 йил сентябрь	Д.Кучарова, А.Алиев, Архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорлари
2.	Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил кадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида	1. “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” деган устувор ғоянинг мазмун-моҳиятини архивлар ходимлари орасида кенг тариб қилиш бўйича чора- тадбирларни амалга ошириш.	2019 йил сентябрь- декабрь	Д.Кучарова, А.Алиев, Архив иши худудий бошқармалари

№	Маърузадан келиб чиқадиган вазифалар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъуллар
3.	<p>Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.</p> <p>Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.</p>	<p>2. Архив ходимларини республика миқёсдаги зиёратгоҳлар, театрлар, маданият ва истироҳат боғларига ташрифларини ташкил этиш.</p> <p>3. Архивларга ёшларни, жумладан мактаб ўқувчилари саёҳатларини ташкил этиш.</p> <p>4. Аҳоли гавжум жойларда архив хужжатлари асосида кўчма мавзули кўргазмалар ташкил этиш.</p>	Алоҳида режа асосида	Бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорлари
4.	<p>Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани-халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.</p> <p>Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса ёшларимиз томонидан кенг ва қизгин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.</p>	<p>1. “Маънавият ва маърифат иши - ватанпарварлик иши, виждон иши” шiori остида архивларда маънавият дақиқаларини ташкил этиш.</p> <p>2. Архивларда соҳа фидойилари, ватанпарварлик намунасини кўрсатган бошқа соҳа вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш.</p>	2019 йил сентябрь-декабрь	Архив иши хуудий бошқармалари бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорлари
4.	<p>Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши кўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари</p>	<p>Давлат чегараларини делимитация, демаркация қилиш комиссияси ишлари учун етарлича шарт-шароитларни яратиб бериш.</p>	Доимий	А.Алиев, Д.Закирова

№	Маърузадан келиб чиқадиغان вазифалар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
	билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.			
5.	<p>Бутунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиқлик ва эркинликмуҳити тобора кучайиб бормоқда.</p> <p>Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.</p> <p>...</p> <p>Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.</p>	<p>1.Агентлик, архив иши худудий бошқармалари, давлат архивлари раҳбар ва ходимларида, шу жумладан магбуот хизмати гуруҳи ходимларида халқ билан очиқ мулоқот қилиш ҳамда куфаролар билан яқин ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиш бўйича алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2.Агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатлар юзасидан тезкор ва ишончли маълумотлар бериб бориш амалиётини кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.</p>	2019 йил сентябрь-декабрь	Ғ.Одинаев
6.	<p>Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.</p> <p>Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлат каторига кўтаришда яна бир муҳим кадам бўлади.</p> <p>Бу сайловлар бутун халқимиз,</p>	<p>Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайлов олди ва сайлов жараёнларида фаол иштирок этиш.</p>	2019 йил сентябрь-декабрь	Архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорлари

№	Маърузадан келиб чиқадиган вазифалар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъуллар
7.	<p>айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.</p> <p>Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.</p>	<p>Агентлик марказий ашпарати, Архив иши худудий бошқармалари, давлат архивлари раҳбар ва ходимларининг маънавияти, билим ва савиясини узлуксиз ошириб бориш тизимини жорий этиш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил сентябрдан (мунтазам)</p>	<p>Д.Кучарова, А.Алиев, Архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорлари</p>

Кирипти: А.Алиев
(Бўлим бошлиғи В.б.)

Келишилди: Д.Л.Кучарова
(Бош директор ўринбосари)

Ш.Хожибоев
(Бўлим бошлиғи В.б.)

Ғ.Одинаев
(Бўлим бошлиғи В.б.)

С.Юнусходжаева
(Бош бухгалтер)

А.Эргашев
(горист-маслаҳатчи)